

2020

YUNINI COPY OF SAHIH AL-BUKHARI

Feruz Kholmuminov

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN Center for scientific research and innovation projects, feruzxon.93@mail.ru

Oybek Sotvoldiev

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN Center for scientific research and innovation projects, oybeksaydali1996@gmail.com

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw>



Part of the [Asian History Commons](#), [History of Religions of Eastern Origins Commons](#), [Islamic Studies Commons](#), [Other Religion Commons](#), and the [Religious Thought, Theology and Philosophy of Religion Commons](#)

Recommended Citation

Kholmuminov, Feruz and Sotvoldiev, Oybek (2020) "YUNINI COPY OF SAHIH AL-BUKHARI," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 3.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2020/iss4/3>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

DOI: 10.47980/TLOI/2020/4/21

САҲИҲИ БУХОРИЙНИНГ ЮНИНИЙ НУСХАСИ

АЛ-ЮНИНИ И ЕГО КОПИЯ СОЧИНЕНИЯ “САХИХ АЛ-БУХАРИ”

AL-YUNINI'S TRANSMISSION OF SAHĪH AL-BUKHARI

**KHOLMUMINOV FERUZ,
SOTVOLDIYEV OYBEK**

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN

Center for scientific research and innovation projects

dangeroux.93@mail.ru

11, A. Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

АННОТАЦИЯ: Ҳадис тўпламлари ичида Имом Бухорийнинг “Саҳиҳи Бухорий” асари энг ишончли ҳадис китоби сифатида эътироф этилади. Имом Бухорий ушбу асарни 16 йил давомида ёзиб тамомлаган. Асар тарихига назар солинса, унинг ёзилиши ва бугунги кунгача мукаммал ҳолатда етиб келиши улкан меҳнатлар самараси экани намоён бўлади.

Асарнинг бугунги кунга қадар етиб келиш жараёни бир неча босқичларда иборат. Даставвал, Имом Бухорий хузурида “Саҳиҳ”ни тинглаган бир неча ровийлар китобни бевосита имомдан қайд қилиб олган. Ровийлардан эса ўз навбатида толиби илмлар нусха кўчирган. Аста-секин мусулмон мамлакатлари бўйлаб асарнинг турли қўлёзма нусхалари кенг тарқалиб борган. Нусхаларнинг кўпайиши улар ўртасида маълум фарқларни вужудга келтирган. Натижада барча қўлёзмаларни жамлаб, улар ўртасидаги фарқларни аниқлаш ва асарнинг энг саҳиҳ матнини тайёрлаш муҳим вазифага айланган. Ушбу шарафли ишни бажаришга уринганлар орасида Шарофиддин Юниний ҳам бор эди. Унинг турли ривоятларини бир-бирига солиштириб, “Саҳиҳи Бухорий”нинг ҳозиргача маълум энг саҳиҳ матнини яратди. Илм бобида тиришқоқлиги ва улкан саъй-ҳаракатлари натижасида Юниний нусхаси “Саҳиҳи Бухорий”нинг асосий мурожаат матнига айланди.

1893 йилда Султон Абдулҳамидхон Юниний нусхаси асосида “Саҳиҳи Бухорий” ни нашр қилиш тўғрисида фармон чиқарди. Ушбу нашрнинг Азҳар уламоларидан иборат 16 кишилик ҳайъат томонидан ўша даврнинг энг йирик “Булоқ Амирия” матбаасида амалга оширилгани асарга бўлган катта қизиқишнинг ҳамда Юниний меҳнатининг ўзига хос эътирофи эди.

Ушбу мақолада “Саҳиҳи Бухорий”нинг илк нусхалари, Юниний томонидан амалга оширилган тадқиқот иши ва унинг “Булоқ-Амирия” матбаасида нашр этилиши тадқиқ этилган. Мақоланинг аввалида “Саҳиҳи

Бухорий”ни Имом Бухорийдан бевосита ривоят қилган ровийлар ҳақида маълумот берилди. Сўнгра асарнинг ислом олами бўйлаб тарқалиши, турли нусхаларининг пайдо бўлиши ва улар орасидаги фарқлар ҳақида сўз юритилди. Мақоланинг асосий қисми “Саҳиҳи Бухорий”нинг энг ишончли қўлёзма матни бўлган Юниний нусхаси, унинг ёзилиш тарихи ҳақидадир. Мақола сўнгида султон Абдулҳамид II даврида Юниний нусхаси асосида “Саҳиҳи Бухорий” асарининг Мисрда нашр этилиши атрофлича таҳлил этилган.

Калит сўзлар: *ҳадис, муҳаддис, ровий, қўлёзма, асл нусха, фаръ нусха, хошия, рамзлар, самоъ, ижоза, тасҳиҳ, танқидий матн.*

АННОТАЦИЯ: Среди сборников хадисов труд имама ал-Бухари «Сахих аль-Бухари» признан самой надежной книгой хадисов. Из истории создания труда известно, что имам ал-Бухари создавал этот труд с большим терпением и настойчивостью в течение 16 лет. Надо отметить, что идеальное и совершенное состояние, в котором он дошёл до наших дней является результатом огромного труда, вложенного в него. Указанный процесс состоял из нескольких этапов. На первом этапе несколько рассказчиков слушали “Сахих” от самого имама Бухари и записывали книгу непосредственно в присутствии имама. Рассказчиков же, в свою очередь, копировали уже их ученики. Постепенно различные рукописи произведения получили распространение в мусульманских странах. При дальнейшем распространении копий между ними стали появляться определенные различия. В связи с этим важной задачей стало обобщение всех экземпляров рукописи, выявление различий между ними и составление наиболее достоверного текста работы. Среди тех, кто пытался выполнить эту благородную работу, был Шарофиддин ал-Юнини. Сравнивая свои различные повествования, он создал самый достоверный текст “Сахих ал-Бухари”, известный до настоящего времени. В результате его усердия и больших усилий в области науки версия ал-Юнини стала основным текстом “Сахих ал-Бухари”.

В 1893 году султан Абдулхамид Хан издал указ об издании “Сахих Бухари” на основе копии ал-Юнини. Тот факт, что это издание было подготовлено командой ученых ал-Азхара из 16 человек в крупнейшей типографии того времени, Булақ Амирия, является признанием большого интереса к работе и творчеству ал-Юнини.

В этой статье рассматриваются вопросы, связанные с созданием первых экземпляров «Сахих ал-Бухари», исследовательской работой ал-Юнини и публикацией труда в типографии «Булақ-Амирия». В начале статьи дается информация о рассказчиках, передавших “Сахих ал-Бухари” непосредственно от имама ал-Бухари. Затем обсуждается распространение произведения в исламском мире, появление различных копий и различий между ними. Основная часть статьи посвящена греческой версии “Сахих ал-Бухари”, самой надежной рукописи, и истории ее написания. В конце статьи подробно описывается издание “Сахих ал-Бухари” в Египте на основе

версии ал-Юнини в период правления султана Абдулхамид II.

Ключевые слова: *хадис, мухаддис, рассказчик, автограф, оригинальная копия, копия, хашия (поля), сама (слушание), иджаз (разрешение), тасхих (оценка подлинности), рукопись, критический текст.*

ABSTRACT: Among the collections of hadiths, the work of Imam al-Bukhari “Sahih al-Bukhari” is recognized as the most reliable book of hadiths. From the history of the creation of the work, it is known that Imam al-Bukhari created this work with great patience and perseverance for 16 years. It should be noted that the ideal and perfect state in which it has come down to our days is the result of the enormous work put into it. This process consisted of several stages. At the first stage, several storytellers listened to “Sahih” from Imam Bukhari himself and wrote the book directly in the presence of the Imam. The storytellers, in turn, were copied by their students. Gradually, various manuscripts of the work became widespread in Muslim countries. With the further distribution of copies, differences began to appear between them. In this regard, an important task was to generalize all copies of the manuscript, identify the differences between them, and compile the most reliable text of the work. Among those who tried to carry out this noble work was Sharafiddin al-Yunini (d. 701/1302). By comparing his various narratives, he created the most authentic text, Sahih al-Bukhari, known to date. As a result of his diligence and great efforts in the field of science, the al-Yunini’s version became the main text of Sahih al-Bukhari.

In 1893, Sultan Abdulhamid Khan (d. 701/1302). issued a decree on the publication of Sahih Bukhari based on a copy of al-Yunini. The fact that this edition was produced by al-Azhar’s team of 16 scholars in the largest printing house of the time, Bulaq Amiriyah, is in recognition of the great interest in al-Yunini’s work and creativity.

This article discusses issues related to the creation of the first copies of Sahih al-Bukhari, the research work of al-Yunini, and the publication of the work in the printing house Bulak-Amiriyah. At the beginning of the article, information is given about the narrators who transmitted Sahih al-Bukhari directly from Imam al-Bukhari. It then discusses the spread of the work in the Islamic world, the appearance of various copies, and the differences between them. The main part of the article is devoted to the al-Yunini’s version of Sahih al-Bukhari, the most reliable manuscript, and the history of its writing. At the end of the article, the publication of Sahih al-Bukhari in Egypt is described in detail based on the Greek version during the reign of Sultan Abdulhamid II.

Keywords: *hadith, muhaddith, narrator, manuscript, original copy, duplicate, khashiya (margins), symbols, sama (listening), ijazah (permission), tashih (grading of authenticity), critical text.*

КИРИШ

Ҳадис тўпламлари ичида Имом Бухорий (ваф. 256/870 й.)нинг “Саҳиҳи Бухорий” асари энг ишончли ҳадис китоби сифатида эътироф этилади.

Имом Бухорий ушбу асарни юксак сабр-у матонат билан 16 йил давомида ёзиб тамомлаган. Асар тарихига назар соладиган бўлсак, унинг ёзилиши ҳам, бизгача мукамал ҳолатда етиб келиши ҳам улкан меҳнат самараси экани намойён бўлади.

Унинг бизгача етиб келиш жараёни бир неча босқичларда кечган. Даставвал, Имом Бухорий хузурида “Саҳиҳ”ни тинглаган бир неча ровийлар китобни бевосита имомдан қайд қилиб олганлар. Ровийлардан эса ўз навбатида толиби илмлар нусха кўчирганлар. Аста-секин мусулмон мамлакатлари бўйлаб асарнинг турли қўлёзма нусхалари кенг тарқалиб борган. Нусхаларнинг кўпайиши улар ўртасида маълум фарқларни вужудга келтирган. Натижада барча қўлёзмаларни жамлаб, улар ўртасидаги фарқларни аниқлаш ва асарнинг энг саҳиҳ матнини тайёрлаш муҳим вазифага айланган. Ушбу шарафли ишни бажаришга уринганлар орасида Шарофиддин Юниний (ваф. 701/1302 й.) ҳам бор эди. Унинг турли ривоятларини бири-бирига солиштириб, “Саҳиҳи Бухорий”нинг ҳозиргача маълум энг саҳиҳ матнини яратди. Илм бобида тиришқоқлиги ва улкан саъй-ҳаракатлари натижасида Юниний нусхаси “Саҳиҳи Бухорий”нинг асосий мурожаат матнига айланди.

1893 йилда Султон Абдулҳамидхон (1876-1909 й.) Юниний нусхаси асосида “Саҳиҳи Бухорий”ни нашр қилиш тўғрисида фармон чиқарди. Ушбу нашрнинг Азҳар уламоларидан иборат 16 кишилик ҳайъат томонидан ўша даврнинг энг йирик “Булоқ Амирия” матбаасида амалга оширилгани асарга бўлган катта қизиқишнинг ҳамда Юниний меҳнатининг ўзига хос эътирофи эди.

Ушбу мақолада “Саҳиҳи Бухорий”нинг илк нусхалари, Юниний томонидан амалга оширилган тадқиқот иши ва унинг “Булоқ-Амирия” матбаасида нашр этилиши хусусида баҳс юритилган.

МАНБА ВА МЕТОД

“Саҳиҳи Бухорий” асари қўлёзмалар кенг тарқалган ўрта асрларда ҳам, матбаачилик ривожланган бугунги кунда ҳам энг кўп тадқиқ этилган асарлардан бири саналади. Асар устида тадқиқот олиб орган ўрта аср олимлари қаторида Шарафуддин Юниний, Абдуллоҳ Солим Басрий, Аҳмад Али Саҳоранфурий ва бошқаларни келтириб ўтиши мумкин. Улар асарнинг турли қўлёзма нусхаларини жамлаб, улардаги фарқларни аниқладилар ва “Саҳиҳи Бухорий”нинг энг ишончли нусхасини яратишга уриндилар. Шу билан бирга, “Саҳиҳи Бухорий” асарига ёзилган шарҳларни ҳам унутмаслик лозим. Хусусан, Асқалонийнинг “Фатҳул борий”, Қасталонийнинг “Иршодус сорий”,

Бадруддин Айнийнинг “Умдатул корий” асарлари бу борада машхур ҳисобланади. Мақолани тайёрлашда мазкур манбалар ҳамда “Саҳиҳи Бухорий” устида олиб борилган турли тадқиқотлар, илмий мақолалар ҳамда “Саҳиҳи Бухорий” асарининг турли кутубхоналарда сақланаётган қўлёзма нусхаларидан унумли фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ

Ўзига етиб келган ҳадисларнинг саҳиҳларини ўз асарига киритган Имом Бухорий ҳадис манбалари шаклланишида муҳим қадамни қўйган эди. Айнан ундан сўнг саҳиҳ ва сунан китобларини таълиф этиш анъанаси бошланди.

“Саҳиҳ” китобини Имом Бухорийдан жами 90 минг киши тинглаган. Шунга қарамай, уни кейинги авлодларга етказганлар сони озчиликни ташкил қилади. “Саҳиҳи Бухорий” асосан икки ровий орқали кейинги авлодга етказилган. Булардан биринчиси Муҳаммад ибн Юсуф Фирабрий (ваф. 320/932 й.) бўлиб, у имомдан “Саҳиҳ”ни икки марта тинглаган: биринчиси Фирабрда, иккинчиси Бухорода. Фирабрий ривояти турли нусхалар шаклида бизгача етиб келди. Имом Бухорийнинг иккинчи йирик ровийси Иброҳим ибн Маъкил Насафий (ваф. 295/907 й.) ривояти эса нусха шаклида бўлмаса-да, шарҳлар ичида бизгача етиб келган. Насафий нусхаси еттинчи асргача олимлар наздида энг мўътабар нусха бўлиб келган. “Саҳиҳи Бухорий”нинг биринчи шориҳи Абу Сулаймон Ҳамд ибн Муҳаммад Хаттобий (ваф. 388/998 й.) “Аълумус-сунан”, Абу Нуъайм Исфаҳоний (ваф. 430/1038 й.) “ал-Мустаҳраж ала Саҳиҳил Бухорий”, Ҳумайдий (ваф. 488/1095 й.) “ал-Жамъу байнасаҳиҳайн” асарларини ёзишда Насафий нусхасини асос қилиб олганлар. Баъзи тадқиқотларда айтилишича, Фирабрий нусхаси бироз муфассалроқ бўлиб, баъзи кераксиз такрорларни ҳам ўз ичига олган, Насафий нусхаси эса булардан холи ва лўндароқдир. Лекин, Насафий нусхаси еттинчи ҳижрий асрдан кейин эътибор мақомига юксалган Фирабрий нусхаси қаршисида саҳнадан бутунлай чекинди. Бунга мазкур даврда ҳадис илми такомиллашиши, унинг алоҳида қоидалари ишлаб чиқилиши сабаб сифатида кўрсатилади. Шундай қоидалардан бири: “Самоъ (тинглаш) йўли билан олинган (яъни шайхдан эшитилган, ривояти учун бевосита изн олинган) бир ҳадис ёки китоб ижозат йўли билан олинган бир ҳадис ёки китобдан кўра қимматлироқ, устунроқдир” [2, 98].

Насафий нусхасининг катта қисми самоъ йўли билан қабул қилинган бўлсада, охиридан озроқ қисми ижозат йўли билан олинган. Фирабрий

нусхаси эса бир эмас, икки марта тўлиқ самоъ йўли билан қўлга киритилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, “Саҳиҳи Бухорий”ни Фирабрийдан тўққиз киши ривоят қилган бўлса, Насафийдан икки киши ривоят қилган. Фирабрийдан уни тинглаган ва ўзига нусха кўчириб олганлар орасида Абу Али Ибн Сакан (ваф. 353/964 й.), Абу Зайд Марвазий (ваф. 371/981 й.), Абу Исҳоқ Мустамлий (ваф. 376/986 й.), Ибн Ҳаммуя Сарахсий (ваф. 381/991 й.), Абул Ҳайсам Кушмихоний (ваф. 389/998 й.), Абу Аҳмад Журжоний (ваф. 373/983 й.) ва Ибн Шаббуя (ваф. 376/986 й.)лар бор. Шунингдек, манбаларда Нуаймий (ваф. 386/996 й.), Аҳсикатий (ваф. 346/957 й.) ва Кушоний (ваф. 391/1001 й.) исмлари ҳам учрайди, булардан Нуаймий нусхаси бир муддат фойдаланилгандан сўнг муомаладан чиқиб кетган.

Фирабрий билан Насафий нусхалари орасида ва Фирабрийнинг юқорида зикр қилинган ровийлари орасида ҳам фарқлар бўлгани боис уларни тадқиқ қилиш жараёни анча эрта бошланган. Кушмихонийнинг машхур талабаси Карима Марвазия (ваф. 465/1073 й.) нусхаси билан Сарахсийнинг ривоятини нақл қилган ва ўз даврида Бухорийнинг энг машхур ровийси саналган Абул Вақт (ваф. 553/1158 й.) нусхаси мустақил равишда давом этган бўлсада, олимлар томонидан бирдан ортиқ ривоятни ўз ичига олган нусхалар кўпроқ қабул қилинган. Булар қаторида Мустамлий, Сарахсий ва Кушмихоний ривоятларини бир нусхада акс эттирган Абу Зарр (ваф. 434/1043 й.) билан Марвазий ва Журжоний ривоятларини нақл қилган Асилий (ваф. 392/1002 й.) нусхалари муҳим тадқиқотлар сифатида баҳоланади.

Турли нусхаларни бир нусхада жамлаш бўйича кейинги даврларда кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Улар орасида учта илмий иш энг муҳимлари сифатида эътироф этилади. Булардан биринчиси Соғоний (ваф. 650/1252 й.) нусхаси, энг машхури эса Юнийий (ваф. 701/1302 й.) нусхасидир. XIX асрда яшаб ижод қилган, Бухорий нусхалари бўйича нисбатан мукамал ишни амалга оширган Саҳоранфурий (ваф. 1297/1880 й.) эса бу борада тадқиқот олиб борган энг сўнги олим ҳисобланади.

Асл мавзуимиз ҳисобланган Юнийийга батафсил тўхталишдан аввал мусулмон оламида у қадар кўп танилмаган икки иш ҳақида қисқача баҳс юритилса мақсадга мувофиқ бўлади. Соғоний нусхаси луғат илмида улкан шухрат қозонган лохурлик (Покистон) Разийюддин Ҳасан ибн Муҳаммад Соғоний (577/1181-650/1252 й.) томонидан тайёрланган. Илм оламида кўпроқ “Машорик ал-анвор” ва “Мавзуот” номли асарлари

билан танилган Соғонийнинг “Саҳиҳи Бухорий” нусхаси қимматли тадқиқот ишларидан саналади.

Соғоний бу ишида Ибн Ҳусрий (ваф. 616/1222 й.) ва бошқа олимлардан тинглаган Абул Вақт нусхаси билан Абу Зарр нусхаси ўртасидаги фарқларни кўрсатиб берган, шу билан бирга “Бағдод” нусхаси сифатида танилган ва Фирабрийнинг тасҳих¹ қайдига эга бўлган нусханинг ҳам фарқларини очиб берган. Жуда қимматли бўлишига қарамай, унчалик машхур бўла олмаган Соғоний таҳқиқининг Туркияда кўплаб нусхалари сақланмоқда [4, 8]. Ҳиндистонда Абул Ҳасан Надавий марказида ҳам бир нусхаси мувжуд экани қайд этилган [3, 17]. Соғоний нусхасининг машхур бўлмаганига асосий сабаб Юнийий нусхасининг танилишига сабаб бўлган Қасталоний (ваф. 923/1517 й.) ва Абдуллоҳ ибн Солим (ваф. 1134/1722 й.) каби мазкур нусхани машхур қиладиган шахслар чиқмагани бўлиши мумкин.

Ҳиндистонлик Аҳмад Али Саҳоранфурий (ваф. 1297/1880 й.) мусулмон оламида “Саҳиҳи Бухорий” асарини биринчи бўлиб (1260/1853 й.) матбаада нашр қилган киши сифатида белгиланади. Саҳоранфурий бу нашрда қўлидаги Юнийий нусхасини асос қилиб олган. Бу нусха Саҳоранфурийнинг устози Муҳаммад Исҳоқнинг ривояти бўлиб, у Шоҳ Валийulloҳ Дехлавий (ваф. 1176/1763 й.) ҳам ичида бўлган бир санад билан Абдуллоҳ ибн Солим Басрийга, яъни кейинроқ сўз юритиладиган Юнийийнинг энг саҳиҳ нусхасига таянади [3, 18].

Саҳоранфурийнинг мазкур нашрга ёзган хошияси юқорида зикр қилинган Соғоний нусхаси ва Юнийий нусхасини ўз ичига олиш билан бирга фақатгина шарҳларда учратишимиз мумкин бўлган Насафий нусхасини, шунингдек, Фирабрийнинг ровийларидан Ибн Сақан ва Ибн Шаббуя ривоятларини ҳам қамраб олган. Шу жиҳатлари билан Саҳоранфурий хошияси қимматли бир манба ва нусха фарқларига оид энг муфассал тадқиқот ишига айланган.

Саҳоранфурий “Саҳиҳи Бухорий” ни нашрга тайёрлаш давомида битта нусха билан кифояланиб қолмаган, аксинча, барча нусхаларни бир-бирига солиштириб, энг саҳиҳ матнни олишга уринган. Шу сабаб унинг нашри Юнийий нусхасида учрайдиган баъзи хатоликлардан холи [5, 50-51]. Албатта, бунда Соғоний нусхаси ва Ибн Ҳажар (ваф. 852/1449 й.) таҳлилларининг ҳиссаси буюк. Дарҳақиқат, Саҳоранфурий баъзи ҳадисларни жойлаштиришда ва “Саҳиҳи Бухорий”ни 30 жузга бўлишда Соғоний анъанасига эргашган.

¹ Тасҳих – кўлзмадаги хато ва тушунарсиз жойларни тузатиш тўғрилаш

“Саҳиҳи Бухорий” кўлзма нусхаларининг бизнинг давримизгача етиб келиши асносида асарнинг турли ривоятларини бир ерга жамлаш ва улар орасидаги фарқларни кўрсатиб бериш ишини бенуқсон амалга оширган Шарафуддин Юнийий (ваф. 701/1302 й.) ижоди алоҳида аҳамиятга эгадир. Абу Ҳусайн Шарофиддин Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Юнийий милодий 1224 йилда дунёга келган. Унинг оиласи илм ва тасаввуф аҳли бўлиб, Ливаннинг Баолбек шаҳридаги Юнин қасабасида яшаб келган. Оиласининг Абдулқодир Жийлоний наслидан экани ҳам илгари сурилади. Таниқли ханбалий фақиҳи ва муҳаддислардан бўлган отаси Муҳаммад Юнийий айни пайтда унинг илк устози бўлган. Акаси тарихчи Қутбиддин Юнийий эса “Зайлу миръатиз-заман” номли асари билан танилган. Абдулмўмин ибн Халаф, Ибн Фарох, Ибнус Салоҳ, Ҳусайн ибн Муборак Забидий, Мунзирий, Ибнул Жуммайзий каби олимлардан ҳадис тинглаган ва ҳадис илмида ҳофиз бўлиб етишган Юнийий Баолбекда отасидан сўнг ханбалийларнинг пешқадам уламоларидан бири ўлароқ мударрислик қилди. У Дамашқ ва Мисрга кўп бора илмий сафарлар қилди. Ушбу сафарлари давомида тўплаган китоблари асосида Баолбекда бир кутубхона барпо қилди. Имом Заҳабий Баолбекда икки ой қолиб, мазкур кутубхонадан фойдаланганини қайд қилган.

Юнийий Дамашққа 1270 йилда амалга оширган сафари асносида Ибн Молик Тойй ва бошқа кўплаб олимлар қатнашган мажлисда иштирок этиб, “Саҳиҳи Бухорий” китоби ўқилди. Юнийий Ибн Молик Тойй ёрдамида ўзига етиб келган “Саҳиҳи Бухорий”ни араб тили қоидаларига мувофиқ тасҳих қилди.

Юнийий 1302 йил апрелда Дамашққа қилган саёҳатидан кейин Баолбекдаги ханбалийлар масжиди кутубхонасида бир киши томонидан суиқасдга учради. Олган жароҳати туфайли 1302 йил 10 май куни оламдан ўтди ва Боби Сатҳо қабристонига дафн этилди.

“Саҳиҳи Бухорий” тасҳиҳи борасидаги саъй-ҳаракатлари билан танилган Юнийий Фирабрий ривоятининг турли ровийлар томонидан нақл қилинган ҳадисларни бир-бирига солиштириб чиқди ва Фирабрий нусхасининг танқидий матнини ҳозирлади. Юнийий ўз асари учун асос қилиб олган ровийлар қаторида Асилий учун ص, Абу Зар Ҳиравий учун ة, Абул Вақт учун ظ, Ибн Асокир учун ش рамзини қўллаган. Ўз нусхасидаги бир жумла ушбу тўртта нусхадан қайси бирида бор бўлса, жумланинг устига ўша нусхага ишора қилган харфни (рамзни) қўйиб чиққан. Агар жумла тўртта

нуханинг барчасида мавжуд бўлса, унинг устига “хе”, “сод”, “шин”, “зо” ҳарфларининг ҳаммасини ёзган. Агар ўша жумла қайсидир нусхада мавжуд бўлмаса, ўша нуханинг рамзи бўлган ҳарфнинг олдига “лаа” (ل) ҳарфини қўйган. Шунингдек, бошқа муҳим ривоятлар учун ҳам турли хил рамзлар ва рангли белгиларни ишлатган.

Юниний қўллаган рамзлар ва методларни ўзининг “ал-Усул вар-румуз аллати татабаллаку би Саҳиҳ ал-Бухорий” номли рисоласида баён қилган. “Саҳиҳи Бухорий” нинг кейинги даврдаги аксар нусхалари учун Юниний нусхаси асос қилиб олинган. Улар орасида энг машҳури султон Абдулҳамидхон даврида нашр қилинган Булоқ-Амирия нашри ҳисобланади [6, 595-596].

Юниний нусхаси икки муҳим таркибий қисмларни ўзида жамлаган. Биринчиси асосий матн қисми бўлса, иккинчиси хошиялардаги қайдлар қисми бўлиб, унда бошқа нусхалардаги фарқларга ишора қилинган. Бу икки қисмни алоҳида кўриб чиқсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Юниний нусхасини ҳанбалий мазҳабига мансуб Ибн Зайд ҳижрий 669/1270 йилда қаламга олган. У ўз давринининг гўзал хуснихат хаттотларидан бўлган. Ибн Зайд қаламига оид ушбу асосий матн ҳанбалийликнинг Дамашқда қарор топишига ҳисса қўшган ва “Жаммоилий” лақаби билан танилган Абдулгани Макдусий томонидан ёзилган Карима нусхасидан кўчирилган бўлиб, унинг санади қуйидагича: Кушмиҳоний – Карима – Фарра – Артаҳий – Жаммоилий.

Жаммоилий мазкур нухани Фарро нусхасининг асли ва Кариманинг бошқа бир талабаси Абу Содик кўчирган нусха билан солиштирган ва ўз нусхасида йўқ бўлган жойларни хошияларга қизил қалам билан қайд этиб борган.

Жаммоилийнинг ушбу нусхаси Юниний ҳали анча ёш бўлган бир мажлис асносида Ибн Забидий² ҳузурда ўқилган. Бу билан эса нуханинг Абул Вақт ривояти ҳам қўлга киритилган. Шу тариқа мазкур нусха Юнинийга қуйидаги тартибда етиб келган: Ибн Ҳаммуя Сараҳсий – Довудий – Абул Вақт – Забидий – Юниний.

Юниний ҳошияда ва рамзларни баён қилган рисоласида ўзи эшитган асл ривоят (“аслус самоъ”) Ҳаммавий (Ибн Ҳаммуяга нисбат берилган) ривояти эканини аниқ билдириб ўтган. Лекин, Юниний асосий матн Карима нусхаси бўлгани ҳолда самоънинг нима сабабдан Ҳаммавий ривояти эканини изоҳламаган. Эҳтимол, шундоқ ҳам нусха фарқларини кўрсатиб бергани учун бу ҳолатни муҳим деб ҳисобламаган бўлиши мумкин.

² Тўлиқ исми Хусайн ибн Муборак ибн Яҳё Бағдодий аз-Забидий

Юниний қайта-қайта ўқиб, тасҳиҳ этиш билан ўз китобининг қадрини оширишга муваффақ бўлган. Шундай бўлсада, асарнинг қадрини юксалтирган асл сабаб – бу нусха билан бошқа нусхалар ўртасидаги фарқларни кўрсатиб берган мукамал бир тадқиқот иши бўлганидир.

Юниний ўз тадқиқот ишида нечта нусхадан фойдалангани хусусида турлича фикрлар мавжуд. Бу борада унинг 9, 11 ёки 14 нусхадан фойдалангани ҳақидаги қарашлар илгари сурилади. Аслида эса у бу қадар ададаги нусхаларнинг барини қўлга киритмаган. Аксинча, Юниний ўзида 2-3 ривоятни жамлаган жами 4 та нусхадан фойдаланган.

Юниний фойдаланган ва фарқларига ишора қилган нусхалар қуйидагилардир:

Абу Зарр нусхаси. Юниний Абу Зарр (ваф. 434/1043 й.) ривоятида яна бир ҳанбалий олим Ибн Хутайба (ваф. 560/1165 й.) нусхасидан истефода этган. Бу нуханинг анчагина пухта иш эканини ўз рисоласида қайд этган Юниний ҳанбалийларнинг шайхи саналган Сарифиний (ваф. 641/1244 й.) нинг ушбу нусха ҳақидаги мақтов сўзларини нақл қилган. Абу Заррнинг ровийларидан Абдулжалил (ваф. 459/1067 й.) нинг ривояти ҳисобланган Ибн Хутайба нусхасининг қўлёзмалари Фас (Марокаш) ва Туркияда мавжуд.

Юқорида таъкидланганидек, Абу Зарр “Саҳиҳи Бухорий”ни Фирабрийнинг учта турли ровийларидан тинглаган ва улар ўртасидаги фарқларни ўз нусхасида кўрсатган. Юниний эса мазкур фарқларнинг деярли барчасини ўз нусхасида акс эттирган.

Асилий нусхаси. Асилий (ваф. 392/1002 й.) ҳам Фирабрийнинг икки ровийси (Журжоний ва Марвазий) дан “Саҳиҳ”ни тинглаган ва улар ўртасидаги фарқларни ўз нусхасида қайд этган. Асилий тинглаган ровийлардан Журжоний (ваф. 373/983 й.) кучли ровийлардан ҳисобланмайди. Аммо, шофий фақиҳлари ичида мўътабарларидан бўлган ва мазкур мазҳаб аҳли томонидан “Саҳиҳи Бухорий”ни нақл қилган ровийларнинг энг устуни” сифатида эътироф этилган Марвазий (ваф. 371/981 й.) ривояти муҳим аҳамиятга эгадир.

Асилий нусхаси мазкур икки ровийдаги тафовутларни акс эттирганига қарамай, вақт ўтиши билан ривоятлардаги фарқларни кўрсатмай, ташлаб кетиш ҳолати пайдо бўлган. Юниний ҳам бу фарқларни ўз нусхасида қайд этмаган, шунчаки Асилий номи билан ушбу нухани нақл қилган. Фарқларни кўрсатмаслик йўли тутилишига, эҳтимол, Қози Иёз таъкидлаганидек, Асилий қўллаган белги-рамзларнинг жуда бетартиб экани сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Юниний фойдаланган Асилий нусхаси Ибн Абдулбарр (ваф. 463/1071 й.) тарафидан нақл қилинган ва устида хошияси бўлган нусхадир.

Ибн Асокир нусхаси. Ҳадис ҳофизларидан саналган Ибн Асокир (х. 499-571/1105-1176 й.) нусхаси ҳам Юниний эътибор қаратган муҳим манбалардан бири бўлган. Ибн Асокирнинг ушбу нусхаси Кушмиҳоний ва Ибн Шаббуя ривоятларини ўз ичига олган. Юниний рисоласида қайд этилмагани учун унчалик билинмаган ушбу маълумот Юниний нусхаларидан бирини кўчирган Нувайрий тарафидан Юниний нусхасининг ўзидан иқтибос қилиб келтирилган (Кўпрулу кутубхонаси. Фозил Аҳмад Пошо. № 362, 296 б вароқ). Юниний ўз рисоласида буни қайд этмаганининг сабаби эса эҳтимол китобнинг ўзида бу маълумот келтирилгани учундир.

Юниний китоб хошиясида қайд этган маълумотларнинг бир жойида “Ибн Асокир ўз нусхасида тушириб қолдирилган бир ерни Ҳаммавий ва Нуаймий нусхалари асосида тўғрилаб кўйгани”ни ифодалаш ҳам юқоридаги маълумотни тасдиқлайди.

Самъоний нусхаси. Ҳофизлиги билан машҳур бўлган Абдулкарим Самъоний (506/1113-562/1166 й.) Карима ривоятига асосланган нусхани Абул Вақтга ўқиб берган ва шу йўл билан икки ривоятни ўзида жамлаган. Дамашқдаги Шумайсатийя хонақоҳига вақф қилинган ушбу нусха жуда машҳур бўлган. Юниний ҳофизлиги ва пухта иш бажариши билан машҳур бўлган Самъонийга ишора қилиш учун Ғарфидан фойдаланган.

Юниний юқоридаги барча нусхалар ўртасидаги фарқларни кўп ҳолларда ҳаттоки битта ҳарф билан фарқ қилсада, кўрсатиб берган. Шу билан бирга, танкидий қисмларда санадлар билан боғлиқ жойларни Абу Али Жайёний (427/1035-498/1105 й.) ва Қози Йёз (476/1083-544/1149 й.) дан, луғат илми билан боғлиқ қисмларини эса Жавҳарий (ваф. 400/1009 й.) ва Ибн Сидда (ваф. 458/1066 й.) дан нақл қилиш орқали ўз китобининг аҳамиятини янада орттирган ва уни машҳурликнинг юқори поғонасига олиб чиққан.

Юниний асл нусхасининг тақдири қандай бўлгани ҳозирча маълум эмас. Энг сўнги фаръ нусхасини ёзиб олган Абдуллоҳ ибн Солимдан кейинги маълумотлар Ҳиндистон диёрларига ишора қилади. Шу сабабдан агар у бугунги кунгача етиб келган бўлса, Ҳиндистонда сақланган бўлиши мумкин. Шундай бўлсада, Профессор Фуад Сезгин ҳам бу ҳақда: “Юниний асл нусхасининг тақдири ҳозиргача малум эмас” [7, 227] деб таъкидлаган.

Юниний нусхалари ҳақида сўз кетганда, икки атама кенг қўлланилади: асл ва фаръ нусхалар. Фаръ нусха деганда аслдан кўчириб олинган нусхалар тушунилади. Ўз навбатида фарълар ҳам икки қисмга бўлинади: тўғридан-тўғри асл нусхадан кўчириб олинган ва мазкур кўчирмалар асосида кўпайтирилган нусхалар. Булардан асл нусхадан кўчириб олингани муҳим саналади. Энди баҳс юритиладиган фаръ нусхалар аслга тақалувчи нусхалардир. Буларнинг ичида, айниқса, пухта бир шаклда кўчириб олинганлари асл нусха каби қиммат қозониб, “Юниний нусхаси” (асл нусха) деб ном олишга сазовор бўлган.

Булардан фарқли равишда Юниний нусхасидаги белгилардан фойдаланиб, нусхалар орасидаги фарқларни акс эттирган нусхалар ҳам мавжуд. Айниқса, Абул Вақт ривоятини ўз ичига олган шу каби нусхалар жуда кўп. Бу нусхалар Юнинийнинг аслидан кўпайтирилган эмас. Фақатгина Абул Вақт ривоятини қамраб олгани сабабли Юниний нусхаларида мавжуд фарқлари айни рамз-белгилар билан келтирилган.

Юниний фаръ нусхалари ичида энг машҳури Абдуллоҳ ибн Солим нусхаси бўлиб, унинг устида кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган. Қуйроқда у ҳақида батафсил сўз юритилади. Абдуллоҳ ибн Солим нусхасидан ташқари Юниний асл нусхаси сифатида баҳоланадиган фаръ нусхалар қуйидагилардир:

Нувайрий нусхаси. Аҳмад ибн Абдулваҳҳоб ибн Муҳаммад Бакрий Нувайрий (677/1279-733/1333 й.) Имом Юнинийнинг талабаси бўлган. У ўз китобини бевосита асл нусхадан кўчириб олган. Маълум бўлишича, Туркияда Нувайрийнинг 720/1320 ва 725/1325 йилларда кўчирилган икки нусхаси мавжуд. Асосий матни Абдуллоҳ ибн Солим нусхасидаги каби аниқ ва равшан хат билан ёзилмаган бўлсада, Ибн Зайд қаламга олган асл нусха сўнгида келган ва ушбу асл нусхага алоқадор изоҳли маълумотларни қамраб олган қайдларни ва хошиядаги қизил ёзувларни айнан акс эттириши билан бу нусха тенгсиз ҳисобланади. Нувайрий Забидий (Абул Вақт) ривоятини устози Юнинийдан ташқари яна икки кишидан ҳам тинглаган ва улар ҳақида нусхасининг аввалидаги санадда келтириб ўтган.

Маккий нусхаси. Иброҳим Маккий ибн Али Қайсарий Ҳанафий “Саҳиҳи Бухорий”ни ҳижрий 1117 йилда Макка шаҳрида Ибн Зайд қаламига мансуб асл нусхадан кўчириб олган. Бу нусха ҳозирда Фас шаҳрида сақланади. Китобни сотиб олиб, Фасга олиб борган Аҳмад ибн Наср Дирий 1128 йилда ундан яна бир нусха кўчиртирган. Бу

нусха ҳам Фас шахридадир. Абдуллоҳ ибн Солим нусхасининг манбаларидан бири бўлиши эҳтимоли сабабидан бу нусха ҳақида яна сўз юритилади.

Муҳаммад Миззий нусхаси. Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Сафий ибн Қосим Миззий Ҳаририй Ғазулий (697/1297-777/1375 й.) тарафидан кўчирилган ушбу нусха аллома Қасталоний асос қилиб олган ва “сал қолса аслидан ҳам ўтиб кетган” деб мақтаган бир нусхадир. Юнинийнинг асли ва икки фаръ нусхаси асосида ёзилган ушбу нусха ҳам мукамаллиги билан машҳур саналади. Ўз даврида Мисрдаги Танқизийя мадрасасига вақф қилингани учун “Танқизийя нусхаси” (ал-Фаръут-танқизий) номи билан ҳам танилган. Мазкур нусханинг 2-жилди Мисрда бўлиб, у Ғазулий томонидан 735/1334 санада кўчирилган (Дорул китоб ал-мисрийя, № 177). Туркияда мазкур нусхани тўлик қамраб олган дубликати мавжуд (Сулаймония кутубхонаси, Қилич Али Пошо, № 263).

Муҳаммад ибн Илёс нусхаси. 748/1347 санада Муҳаммад ибн Илёс ибн Усмон тарафидан кўчирилган ушбу нусханинг Юнинийнинг бир нусхаси экани таъкидлансада, унинг “асл”дан кўчирилганига қатъий далил мавжуд эмас. Чунки, унда “Юниний нусхаси билан солиштирилган бир нусха ила таққослаб кўрилган” деган қайд мавжуд. Шунингдек, унинг Миззий (ваф. 742/1341 й.) ва Заҳабий (ваф. 748/1347 й.) лар тасҳих қилган бир нусха ҳамда Аҳмад Субкий (ваф. 773/1372 й.) ва Аловуддин ибн Туркманий (ваф. 750/1350 й.) лар тасҳих қилган бошқа бир нусха билан ҳам солиштирилгани маълум. Бу нусха ҳозирда Қоҳирада сақланади (Дорул кутуб ал-мисрийя. № 1108-1109).

Бадроний нусхаси. Муҳаммад ибн Ҳасан Бадроний (787/1385-837/1433 йй) “Саҳихи Бухорий”ни Абу Зурья Ирокий (ваф. 826/1422 й.) дан тинглаган. Ундан эшитган ривоятини 831/1428 йилда Юнинийнинг асли билан солиштирган ва ундаги қайдларни ўзининг китобига кўшиб қўйган. Шундай қилиб унинг китоби Юниний асл нусхасига айланган. Китобнинг аввалида Юнинийнинг “Усул вар-румиз” рисоласи ҳам мавжуд. Асли Мисрда сақланаётган ушбу нусханинг Туркия кутубхоналарида бир нечта дубликат вариантлари учрайди.

Бадроний нусхасининг бошида келган муаллиф устози Абу Зурядан тинглаган уч фарқли ривоят (Абул Вақт, Карима ва Абу Зарр) ни қайд этган. Шу сабабдан Бадроний китоби бу уч ривоятни ўз ичига олган деб фараз қилинсада, аслида у ягона бир ривоят нусхаси бўлиб, у ҳам бўлса Юниний белгилари қўлланган Абул Вақт ривоятдир.

Бадронийнинг китоби Ибн Абу Рофиъ³ нусхаси билан солиштирилган бўлиб, унда Ибн Абу Рофиъдаги фарқлар билдириб ўтилган.

Абдуллоҳ ибн Солим Басрий нусхаси. Маккада яшаб ўтган ва Юниний нусхасини аслидан ёзиб олган Абдуллоҳ ибн Солим Басрий (1049/1639-1134/1722 й.) қўлга кирита олган Юниний нусхаларининг барига эътиборини қаратган ва асл билан нусхалар орасидаги фарқларни ва ёхуд ўша нусхалардаги қайдларни ҳам ўз китобида келтириб ўтган. Шу билан бирга, Юнинийнинг танқидий фикрларини айнан нақл қилгани каби ўзи ҳам ихтилофли ёки янглиш бўлиши мумкин бўлган ўринларда Ибн Ҳажар ва Қасталоний каби олимлардан иқтибос келтирган. Шу жиҳати билан у Юниний нусхасининг қадрини янада оширган. Абдуллоҳ ибн Солим нусхасининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, муаллиф китобни гўзал хуснихат билан битган бўлиб, унда бирор тушунарсиз жой учрамайди.

Абдуллоҳ ибн Солим ўзи асли билан солиштирган икки нусхадан бирига ҳеч бир ном қўймаган, бошқа бирини эса “Макка нусхаси” (ал-фаръул маккий) деб атаган. Бунинг аввалги бўлимда зикр қилинган Иброҳим Маккийнинг Юниний нусхаси бўлиш эҳтимоли юқори.

Аллома Каттоний (1886-1962 й.) Абдуллоҳ ибн Солимнинг Юниний асл нусхасини қандай қўлга киритгани ҳақида куйидаги маълумотни келтирган: Юнинийнинг асл нусхаси қандайдир йўл билан асли мағриблик бўлиб, Маккада яшаган Рудоний (ваф. 1094/1683 й.) нинг қўлига тушиб қолади. Ундан бу нусхани асли ҳинд бўлиб, Маккада яшаган Муҳаммад Акрам ибн Муҳаммад сотиб олган. Абдуллоҳ ибн Солим эса Муҳаммад Акрамдан китобни қайтариб беришга олиб турган ва ундан нусха кўчириб олган. Айни ўринда Басрий нусхасининг тақдири билан боғлиқ маълумотларни ҳам тақдим қилган Каттоний Шайх Тоҳур Сунбул (ваф. 1343/1926 й.) билан Маккада учрашгани, унинг қўлида Басрий нусхасини кўргани ва унинг китобни Булоқ нашри тасҳихи учун Истанбулга олиб борганини қайд этган [8, 199].

Каттонийнинг хабарларидан келиб чиқадиган хулоса шуки, Абдуллоҳ ибн Солим нусхаси Булоқ нашри учун Истанбулга олиб борилган ва бу нашрда ундан истефода этилган. Бу нусханинг қайтариб олиб кетилгани ҳам – Каттоний уни ўз кўзи билан кўрганини қайд этмокда – юқоридаги хабардан

³ Мазкур шахс қоҳиралик тарихчи ва муҳаддис Абул Маолий Такиюуддин Муҳаммад ибн Рофиъ Саллабий Сумайдий (704-774 йй.) бўлиши мумкин. Бадронийнинг устози Абу Зурья ёшлигида Ибн Рофиъдан ҳадис тинглагани маълум.

маълум бўлди. Яна шуни ҳам қайд этиш лозимки, Туркияда турган даврида ҳамда Хижозда ундан жуда кўп ададда нусха кўчириб олинган.

Юний нусхасининг “Булоқ-Амирия”да нашр этилиши. Усманийлар султони Абдулҳамидхон Иккинчи 1311/1893 йил Азҳар машойхларига “Саҳиҳи Бухорий”ни нашрга тайёрлаш борасида буйруқ бериб, уларга “Саҳиҳи Бухорий” нинг Юний нусхасини юборган. Шайх Ҳассуна Нававий бошчилигидаги Азҳар уламолари ҳам ўз навбатида мукамал бир суратда тадқиқ ва тасҳиҳ йўли билан Амирия матбаасида асарнинг нашр ишини муваффақиятли адо этганлар (1311/1893-1313/1895 й.). Асар икки мужаллад (9 жилд) ҳолида чоп этилган. Китобнинг илк тўрт жилди биринчи мужалладни, қолган беш жилди иккинчи мужалладни ташкил қилган. Нашр қайдларида 1311-1312 тарихлари учрасада, сўнги жилднинг охирида нашр 1313 йил рабиул-аввал ойининг бошларида (1895 йил август) ниҳоясига етгани қайд этилган.

Китобнинг бошидаги Ҳассуна Нававий тақриридан маълум бўлишича, султон Абдулҳамид II суннатга хизмат қилиш йўлида ақлга ва нақлга уйғун бир шаклда ҳадисларни нашр қилдиришга қарор қилган, бунинг учун эса ҳадис китоблари ичида саҳиҳлиги билан шуҳрат қозонган “Саҳиҳи Бухорий”ни қўлёзма ва тошбосма нусхаларини солиштирган ҳолда янги бир нашрини амалга ошириш ва уни мусулмон мамлакатларига бепул тарқатишни амр қилган. Ўзи ҳанафий бўлган Ҳассуна Нававийнинг тўрт мазҳаб вакилларида иборат Азҳар уламоларидан ташкил қилган 16 кишилик ҳайъати таркибида қуйидаги исмлар учрайди: моликийлардан Салим Бишрий, Али Библивий, Аҳмад Рифойй, Исмоил Ҳомидий, Аҳмад Живовий, Ҳасан Довуд Адавий, Муҳаммад Абул Фазл Варроқий, Ҳорун Абдураззоқ, Ҳасан Товил, шофийлардан Сулаймон Абд, Муҳаммад Ҳусайн Ибририй, Муҳаммад Фоним, ханбалийлардан Юсуф Нобулсий, ҳанафийлардан Бакрий Ашур Сададий, Умар Рофеий ва Ҳамза Фатхуллох.

Тасҳиҳ ҳайъати амалга оширган тадқиқотларининг сўнгида матбаа йўл қўйган хатоларни ҳам эътиборга олган ва ҳар жилднинг бошида “Хатосавоб” (Тўғри-нотўғри) номли жадвал асосида мазкур хатоларни кўрсатиб берган.

Китобнинг энг аввалги қисмида Шайхулислам Муҳаммад Жамолуддин Афанди ва яна олти кишилик назорат ҳайъатининг исмлари ва муҳрлари мавжуд. Бу эса султон томонидан шайхулислам бошчилигида алоҳида назорат ҳайъати ҳам тузилгани, улар китобни яна бир бор кўздан кечириб, аслига мувофиқми йўқми, шуни тадқиқ этганларини кўрсатади.

Султон Абдулҳамид “Саҳиҳи Бухорий” асарини вақф сифатида нашр этиришни мақсад қилган. Шу сабабдан ҳар саҳифанинг бошида “وقف لله تعالى و لا يباع و لا يشرى و لا يرهن” (Аллоҳ таоло йўлида вақф, сотилмас, сотиб олинмас ва гаровга қўйилмас) иборасини учратиш мумкин.

Мазкур нашрда китобга ҳадислар матнини киритиш жараёнида ҳадисларга ва бобларга рақамлар қўйилмаган. Шундай бўлсада, китобнинг сўнги саҳифасидаги маълумот асосида жами ҳадислар сонини билиб олиш мумкин. Унда шундай дейилган: Бу китобда жамланган ҳадислар сони 7275 тадир. Абдуллох ибн Солим нусхасида ҳам айнан шундай қайд этилган” [6, 163]. Булоқ нашрини амалга оширган олимлар тасҳиҳ жараёнида Истанбулдан юборилган ва ўша даврда Мисрда мавжуд бўлган бир неча нусхалардан фойдаланганлар. Бир ўринда “Қўлимиздаги уч нусхада ҳам йўқдир” дейилган, ушбу жумла уларнинг қўлида камида учта нусха бўлганини кўрсатмоқда. Нусха ва фаръ атамалари қўлланилган бошқа ўринларга қарайдиган бўлсак, умумий ҳолда тўртта фаръ нусхадан фойдаланилгани маълум бўлади. Аммо, улар бу тўртинчисини Юний нусхаси ёки алоҳида бир нусха сифатида қабул қилганлари аниқ эмас. Чунки, азҳарийлар “Қўлимиздаги нусхада ва ишончли нусхаларда” деган ифодани кўп ишлатишган. Аниқланган нусхалар қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: Абдуллох ибн Солим нусхаси, Бадроний нусхаси, Муҳаммад Миззий нусхаси, Муҳаммад ибн Илёс нусхаси, Тақиюддин Субкий нусхаси.

Абдулҳамидхон томонидан Мисрга юборилган нусха Юний нусхасининг асли экани таъкидлансада, аслида бу нусха юқорида зикр қилинган Абдуллох ибн Солимнинг Юний аслидан кўчирилган нусхасидир. Нашрда фойдаланилган нусханинг Юний эмас, балки Абдуллох ибн Солим нусхаси экани ушбу нашрдаги муқаддимадан ҳамда ҳошиядаги қайдлардан яққол намоён бўлади.

Кейинчалик “Султония нусхаси” (ан-Нусха ас-султония) Усманийлар давлати ва Азҳари шариф соясида “Саҳиҳи Бухорий”нинг энг машҳур нашрига айланди. Мазкур нашрдан биров кейин Усманийлар томонидан Истанбулда яна бир нашр эълон қилинган бўлсада, у ҳам Булоқ нашри эришган даражага ета олмади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, “Саҳиҳи Бухорий” қўлёзмаларининг тасҳиҳи, нусхалар ўртасидаги фарқларни аниқлаш иши мусулмон олимлар томонидан илк даврлардаёқ йўлга қўйилган. Мазкур жараёнда ўзига хос методлар ишлаб чиқилган ва улкан ютуқларга эришилган.

Энг сўнги академик ишлардан бири бўлган Булок нашрида ҳам бу нарса яққол намоён бўлади. Булок-Амирия нашри нафақат ўз даврида, балки бугунги кунимизда ҳам “Саҳиҳи Бухорий”нинг энг илмий ва академик нашрларидан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу нашр нусхалар ўртасидаги фарқларни кўра олиш имконини берувчи энг қимматли иш саналади. Энг муҳими эса мусулмон олимларнинг Пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини ўзида жамлаган асар устида қилни қириқ ёриб, мукамал бир тадқиқот ишини олиб боришлари ва сўнгида эришилган натижададир. Бу нашр мусулмон олимлар Ғарбдан анча аввал таҳқиқли нашр тадқиқотларини жуда ҳам илмий йўсинда амалга оширганларини ва мусулмонларнинг таҳқиқ илмида қанчалар юкори савияга эришганларини кўрсатиб берувчи энг яхши мисолдир.

Шунингдек, Юний амалга оширган тадқиқот иши ва “Саҳиҳи Бухорий”нинг Булок-Амирияда нашр этилиши асарнинг мўтабар қўлёзмалари сақланиб қолишига, қолаверса, бутун нусхалари билан биргаликда “Саҳиҳи Бухорий”нинг муҳофазасига хизмат қилган. Кейинги даврдаги аксар нашрлар айнан Булок нусхасидан асос сифатида фойдаланган.

АДАБИЁТЛАР:

- Имом Бухорий. Ас-Саҳиҳул Бухорий. – Қоҳира: Булок-Амирийа, 1895. – 9-жилд.
- Олтин силсила. Саҳиҳул Бухорий. – Тошкент: “Ҳилол Нашр”, 2016.
- Тақийуддин Надавий. “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ би ҳошиятил-муҳаддис ас-Саҳоранфурий” муқаддимаси. – Музаффарпур (Ҳиндистон): Шайх Абул Ҳасан Надавий маркази, 2011.
- Arafat Aydın. Sahîh-i Buhârî Nûshalarına Dair Yeni Bulgular II: es-Sagâni Nûshası ve Türkiye Kütüphanelerindeki Yazmaları. Hadis Tetkikleri Dergisi 1-сон– Истанбул, 2016.
- Ali Albayrak. Mehmed Zihni Efendi Örneğinde Sahîh-i Buhârî Baskılarının Tashihi. – Marmara Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi (Cilt-Sayı 54)– Истанбул, 2018.
- Туркия Диёнат Вақфи Энциклопедияси. 43-жилд. – Истанбул, 2013.
- Фуад Сезгин. Тарих ат-турос ал-арабий. – Ар-Риёд : Жамиа ал-Малик ас-Сауд. 1980. – 1-жилд.
- Абдулхай Каттоний. Фихристул-фаҳорис. – Байрут: “Дорул ғарб ал-исломий”. 1982. – 1-жилд.
- Аҳмад ибн Ҳанбал. Муснад, I-VI. – Истанбул: Çağrı Yayınları, 1992.
- Turaev, Numonjon. «Imam Bukhari’s Method Of Jarh (On The Example Of The Terms «Munkar Al-Hadith» And «Matruk Al-Hadith» In The «Al-Tarikh Al-Kabir»). The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 5. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss4/5>
- Арафат Айдин, Али Албайрак. Sahîh-i Buhârî Nûshalarına Dair Yeni Bulgular: Bulak Baskısı, Yûnîni Yazmaları ve Abdullah b. Sâlim el-Basrî Nûshası. İslâm Araştırmaları Dergisi, 2016, sy. 35, s. 1-39.
- Арафат Айдин. Sagâni’nin Sahîh-i Buhârî Nûshası ve Türkiye Kütüphanelerindeki Yazmaları (uzmanlık tezi, el-Basrî, Abdullah b. Sâlim. Diyâü’s-sârî fi mesâliki ebvâbi Sahîhi’l-Buhârî (nşr. Nûreddîn Tâlib). I-XVIII. – Қатар: Дорул рақим, 2011.
- Yunîni nûshası (Basrî kopyası). Konya Yusuf Ağa Yazma Eser Kütüphanesi, nr. 5555.
- Sahîhu’l-Buhârî (Mehmed Zihni neşrinin tıpkıbasımı). I-VIII – İstanbul: Çağrı Yayınları, 1992.
- Turaev, Numonjon. «Imam Bukhari’s Method Of Using The Terms Related To The Continuity And Discontinuity Of The Chain Of Transmitters Of Hadith (On The Example Of The Book “Al-Tarikh Al-Kabir”)». The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 7. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss1/7>
- Жума Фатҳи Абдулҳалим. Rivâyâtü’l-Câmi’i’s-sahîh ve nüshuhû. Миср/Қатар: Дорул Фалоҳ, 2013.
- Эрмиш Ҳамза. Mehmed Zihni Efendi – Hayatı, Eserleri ve Arapça Öğretimindeki Yeri. – Истанбул: İSAM, 2011.
- Мухаммад Футуҳ Ҳумайдий. Ал-жамъ байна-с-саҳиҳайн (ншр. Али Ҳусайн Баввоб). I-IV. – Байрут: Дору Ибн Ҳазм. 1998.
- Ибн Ҳажар Асқалоний. Фатҳул борий шарҳу Саҳиҳил Бухорий. I-XIII. – Байрут: Дору ихё ат-турос ал-ғарабий. 1982.
- Muratov, Doniyor Mr. «The Role On The Companions In The Science Of Hadith». The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 2. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss4/2>
- Ибнул Мабрид. Ал-Ихтилоф байна рувотил Бухорий. – Риёд: Дорул Ваган. 1999.
- Қози Иёз. Машорикул анвор, I-III. – Дамашқ: Дорул Калом. 2012.
- Қасталоний. Иршодус сорий ли шарҳи Саҳиҳил Бухорий, I-X. – Байрут: Дору ихё ат-турос ал-ғарабий.
- Ўзсўй Абдулваҳҳоб. Buhârî Nûshaları ve Nûsha Farklılıklarının Mahiyeti Üzerine. – Қайсар: Fenomen Yayıncılık. 2016.
- Ўзшенел Меҳмет. Sahîh-i Buhârî Neşirleri: Sehârenpûri Neşri ile II. Abdülhamid Neşrinin Karşılaştırılması. Türkiye Araştırmaları Literatür Dergisi, 2013, XI, sy. 21, s. 454-484.
- Разиюддин Соғоний. Саҳиҳи Бухорий нусхаси. Сулаймония ёзма асарлар кутубхонаси, Damad İbrahim, nr. 266-269.
- Яшар Кандемир. el-Câmius-Sahîh, DIA, VII. – Истанбул. 1993
- Фуад Сезгин. Buhârînin Kaynakları. – Анқара: Özgün Matbaacılık. 2001.

REFERENCES:

1. Imam Bukhari. Sahihul Bukhari. – Cairo: Bulak-Amiriya, 1895. Volume 9.
2. Altin silsila. Sahihul Bukhari. – Tashkent: Hilol Nashr, 2016.
3. Taqiyyuddin Nadwi. Introduction to al-jame' al-Sahih al-khashiya al-muhaddith al-Saharanfuri. – Muzaffarpur (India): Sheikh Abul Hassan Nadwi Center, 2011.
4. Arafat Aydın. New Finds on Sahih-i Bukhari Copies II: Es-Sagâni Copies and Writings in Turkish Libraries. Hadith Tetkikleri Magazine 1-son– Istanbul, 2016.
5. Ali Albayrak. Mehmed Zihni Efendi Example Tashihi Sahih-i Buhari Press. - Marmara University Faculty of Theology Magazine (Volume 54) - Istanbul, 2018.
6. Encyclopedia of the Turkish Religious Foundation. Volume 43 - Istanbul, 2013.
7. Fuad Sezgin. Tarikh at-turas al-arabi. – Riyadh: Jamia al-Malik as-Saud. 1980. - Volume 1.
8. Abdulhay Kattani. Fihristul-faharis. - Beirut: Dar al-Gharb al-Islami. 1982. - Volume 1.
9. Ahmad ibn Hanbal. Musnad, I-VI. - Istanbul: Çağrı Yayınları, 1992.
10. Turaev, Numonjon. “Imam Bukhari’s Method Of Jarh (On The Example Of The Terms «Munkar Al-Hadith» And «Matruk Al-Hadith» In The «Al-Tarikh Al-Kabir». The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 5. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2019/iss4/5>
11. Arafat Aydın, Ali Albayrak. “Sahih-i Buhârî Nüshalarına Dair Yeni Bulgular: Journal of Islamic Studies. 2016, sy. 35, p. 1-39.
12. Arafat Aydın. Saghani’s Sahih Buhari Copy and Writings in Turkish Libraries Expertise Thesis, al-Basri, Abdullah b. Salim. Dorur Rakim, 2011.
13. Yunini copy (Basri copy). Konya Yusuf Ağa Yazma Eser Kütüphanesi, nr. 5555.
14. Sahih al-Bukhari (Mehmed Zihni Publishing House). I-VIII - Istanbul: Çağrı Yayınları, 1992.
15. Turaev, Numonjon. “Imam Bukhari’s Method Of Using The Terms Related To The Continuity And Discontinuity Of The Chain Of Transmitters Of Hadith (On The Example Of The Book “Al-Tarikh Al-Kabir”)”. The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 7. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss1/7>
16. Juma Fathi Abdulhalim. Rivâyâtü’l-Câmi’i’s-sahîh ve nüsehuhû. Egypt / Qatar: Dorul Faloh, 2013.
17. Ermish Hamza. Mehmed Zihni Efendi - His Life, Works and Place in Arabic Teaching. - Istanbul: ISAM, 2011.
18. Muhammad Futuh Humaydi. Al-jam’ bayna-s-sahihayn (ed. Ali Husayn Bavvab). I-IV. - Beirut: Doru Ibn Hazm. 1998.
19. Ibn Hajar Askalani. Fathul Bari commentary on Sahih al-Bukhari. I-XIII. - Beirut: Doru ihya at-turas al-arabi. 1982.
20. Muratov, Doniyor Mr. “The Role On The Companions In The Science Of Hadith”. The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 2. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2019/iss4/2>
21. Ibnul Mabrid. Al-Ikhtilaf bayna ruwatil Bukhari. - Riyadh: Dorul Vatan. 1999.
22. Qazi Iyaz. Mashariqul anwar, I-III. - Damascus: Dorul Kalom. 2012.
23. Castaloni. Irshadus sari commentary on Sahihil Bukhari, I-X. - Beirut: Doru ihya at-turas al-arabi.
24. Özsöy, Abdulvahap. Buhârî Nüshaları ve Nüsha Farklılıklarının Mahiyeti Üzerine. Kayseri: Fenomen Yayıncılık, 2016.
25. Özshenel Mehmet. Sahih Bukhari Publications: Sehârenpürî Publication and II. Comparison of Abdulhamid Neshri. Turkish Studies Literary Magazine, 2013, XI, sy. 21, p. 454-484.
26. Raziyyuddin Saghani. Copy of Sahih Bukhari. Sulaymaniyah Library of Written Works, Damad Ibrahim, nr. 266-269.
27. Yashar Kandemir. el-Câmius-Sahîh, DIA, VII. - Istanbul. 1993
28. Fuad Sezgin. Sources of Bukhari. - Ankara: Special Printing. 2001

